

# ИНСОҶ<sup>ВА</sup> ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2

“Мен англаган заёт  
ҳақиқати”

Юз минг оптиқ аскар  
қила олмаган ишни бир  
тўғри тадбир билан  
амалга ошириш мум-  
кин.

АМИР ТЕМУР

2019 йил 30 апрель

сешанба № 17 (1169)

e-mail: insonvaqonun@adliya.uz

www.insonvaqonun.uz

t.me/ivquz

fb.com/ivquz/

ПОЙТАХТИМИЗ ТОШКЕНТДА “ЎЗЭКСПОМАРКАЗ” МИЛЛИЙ МАЖМУАСИДА МАМЛАКАТИМИЗ  
ТАРИХИДА ИЛК БОР “TASHKENT LAW SPRING” ХАЛҚАРО ЮРИДИК ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.





Халқаро юридик форумнинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини Русланбек Давлетов ўз нутқида қуйидаги энг муҳим масалаларга тўхтади:

**ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ**

Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш мақсадида ҳозирга қадар 90 та қонун, 2000 дан зиёд Президент Қарорлари ва Фармонлари қабул қилинди. Энг муҳим вазирамиз, энди уларни тўлиқ ижро этиш, ҳаётимизга, амалиётга тўғри татиқ этишдир. Ушбу ҳужжатлар билан киритилган ўзгаришларни, янгиликлар бирор бир самара берганини ҳар бир фуқаро кундалик ҳаётда ҳис этиши керак.

**ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИК**

Мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш учун инвестиция муҳитини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Хориқлик сармоядорлар билга қизиқиши, пул киритиши учун эса мамлакатимизда қўлай инвестицион муҳит бўлиши керак. Аввало, қонунлар барқарорлиги таъминлаш муҳимдир. Инвестицияга оид қонунчиликни бир хилда қўллаш муҳим вазирамиздан эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунда давлат асосан шарт шарт этиб яратиб билан ва ортиқча вазийлик қилмаган ҳолда ўзини иштирокини чеклагани маъқул, деб ўйлаймиз.

**МУЛК ҲУҚУҚИ**

Мулк ҳуқуқини биз таъминламасак, давлат органи, мамлакатдаги ҳар бир ишчи буни тан олмас, қадрият сифатида уни утулгасам бу биз учун катта ҳавф, катта муаммолигича қолади. Шунинг учун мулк ҳуқуқини ҳақиқий қабуллатларини мустақамлаш борасида иш олиб бораёламиз.

**МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ**

Меҳнат қонунчилиги ҳозирги даврда энг муҳим масалалардан биридир. Айни дамда амал қилаётган Меҳнат кодексини совет иттифоқи даврида шаклланган концепция асосида бугунги кунгача келаяпти. Унинг ичида иктомийни юкломалар жуда кўп, бу юкломаларни давлат органи учун сақлаб қолиш мумкин. Лекин тадбиркорлар, хусусий сектор вакиллари учун Меҳнат кодексига эгилувчанлик принципи, бемалол ишлаш, шартномага бўлган муносабатни кучайтирадиган талабларни киритишимиз лозим. Бу нимага олиб келади? Меҳнат бозорини ривожлантириш, меҳнат кучларининг мобиллигини таъминлаш ва рақобатбардорликни кучайтиришга олиб келади.

**ФУҚАРОЛИК ҚОНУНЧИЛИГИ**

Жамият учун, иқтисодиётини ривожлантириш учун энг катта туртки бўладиган, марказий аҳамиятга эга бўлган фуқаролик қонунчилиги бизда ҳали ҳам эски совет тизими концепциялари асосида ишламоқда. Яқинда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича концепция ишлаб чиқиди. Президентимиз ушбу концепцияни тасдиқлаб бердилар. Кейинги йил иш олиб оингача янги тахрирдаги "Фуқаролик кодекси"ни тайёрлаймиз. Янги кодекс иқтисодиёт ривожини учун хизмат қилади.

**ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ**

Бугунги кунда қишлоқ ҳўжалигида бўлаётган ўзгаришлар, эски тизим, мажбурий меҳнат масалаларини тартибга келтирдик. Лекин айни дамда қишлоқ ҳўжалиги тизимига замонавий бошқарув механизмларини олиб киришимиз лозим. Айниқса, кластер деган катта институт кириб келди. Ушбу институтни ҳуқуқий нуктадан назардан тартибга солиш масалалари ҳозир энг долзарб аҳамият касб этиб турибди.

**СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ МУСТАҚИЛ БЎЛИШИ КЕРАК**

Қонун устуворлиги ҳақида кўп гапираримиз. Лекин қонун устуворлигини таъминлаш, одамлар эркинлигини, оозлигини ҳис этиб яшашлари учун биз энг аввало суд тизими ҳўкуматнинг мустақил институтига айланишини таъминлашимиз зарур. Биз бу борада суд ҳўкимиятига яқин кўмакчи бўламиз.

АСОСИЙ муҳокама сессиялари икки кун — 25-26 апрель кунлари бўлиб ўтган "Tashkent Law Spring" халқаро юридик форумида муҳим ва долзарб масалаларга бағишланган сессиялар бўлиб ўтди. Ушбу сессияларда ҳуқуқий масалалар, Ўзбекистон қонунчилиги ва халқаро талаблар, ҳўкумат иши, давлат секторлари фаолияти, инвестиция ва шу каби бошқа иқтисодий вазиятлар муҳокама этилди. Хусусан, Халқаро бизнес марказининг "Афросиёб" конференция залида "Хўкуматнинг очиклиги ва шаффофлиги" мавзусида сессия бўлиб ўтди. Ушбу семинарда модераторлик вазифасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси "Инновацион ривожланиш, ахборот сисёати ва ахборот технологиялари масалалари" қўмитаси раиси Илхом Абдуллаев олиб борди.



**ФОРУМНИНГ МУҲИМ**

Аввало, ушбу сессиянинг олий даражада, қизгин муҳокамаларга ва мунозараларга бой тарзда ўтганлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Сессияда танланган мавзунинг ўзи жуда долзарблиги маълум. Ҳозирги кунда ҳўкуматнинг шаффофлиги, давлат органи фаолиятининг жамоатчилик вакиллари, қолаверса, бутун халқ учун очиклиги мезонларига Ўзбекистонда ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жаҳон тажрибасига таянадиган бўлсак, бутун дунёда ҳам давлат органи фаолиятининг очиклиги борасида қонунлар, норматив ҳўжатлар мавжуд. Модератор Илхом Абдуллаевнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда ҳам бу борада тегишли қонунлар мавжуд. Лекин қонунга риоя этиш масаласида, яъни ҳуқуқни қўллаш амалиётида бизда бирмунча оқсашлар сезилди. Бу борада қонунчиликда очик қолган жиҳатларни кўришимиз мумкин. Ушбу семинар орқали, шу билан бирга форум доирасидаги барча муҳокамалар натижасида қонунчилигимизни янада такомиллаштиришда муҳим тажрибаларга эга бўламиз.

Модератор маъруза учун сўзни биринчи спикерга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини ўринбосари Худоёр Мелиева берди:

— Хўкумат ишининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида бундан 5 йил илгари қонун қабул қилинган эди. Лекин бу қонуннинг ишлаш ва амал қилиш даражаси ўтган йиллар давомида талабга жавоб берадигандек бўлмади. Олдимида ҳуқуқни қўллаш амалиётида муҳим тажрибаларни ўрганиш ва татиқ қилиш вазифаси турибди. Бугунги кунда эса давлатимиз, хусусан, Адлия вазирлиги томонидан давлат органилари ҳамда адлия органиларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратилаяпти. Ўз навбатида, давлат органиларининг очиклиги нимага керак, деган савол туғилиши мумкин. Бунга, албатта, давлат органилари халқга хизмат қилиши керак, юқори вакиллик органилари фуқаролар олдида масъулдир, деган жавобни бериш мумкин.

Вазир ўринбосари ҳўкуматнинг очиклиги ва шаффофлиги борасида сўз юритар экан, Адлия тизимида ташкил этилган Open Justice иктомий оиди дустури бу борада муҳим қадам эканлигини таъкидлади. Ушбу дустур адлия тизимининг очик ва шаффоф ишлашини кўрсатиш, вазирлик фаолиятининг кенг жамоатчиликни хабардор қилиш, аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эътиёжлари ва талабларидан келиб чиққан ҳолда одамларнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий дунёқарашини янада ошириш мақсадларини кўзда тутди.

Худоёр Мелиевнинг таъкидлашича, дустур 34 та банддан иборат бўлиб, бугунги кунда кенг жамоатчилик, аҳоли қатлами давлат органилари фаолиятининг бевосита хабардор бўлиши керак, деган тамойил асосида ушбу вазифалар баҳарий келинмоқда. Ҳозирги кунда Адлия вазирлиги томонидан жисмоний ва юридик шахслар адлия органилари биналарида аудио, видео ёзиш мосламаларидан бемалол фойдаланиши мумкинлиги

тўғрисидаги тартиб амал қилмоқда.

Вазир ўринбосари давлат органилари ишини ҳаққоний, шаффоф ҳолда татиқ этиш учун, аввало, жамоатчилик назоратидан фойдаланиш лозим бўлса, кейинги ўринда бу борада замонавий ахборот коммуникация воситаларидан унумли фойдаланиш муҳим эканлигини айтди. Бугунги кунда адлия тизимидаги нотариал идоралар ва давлат хизматлари марказларида ҳам интернет тармоқларидан фойдаланган ҳолда шаффофлик масалаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Яъни, ушбу тузилмаларда ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришда йўл қўяётган камчиликлари устидан интернет ёрдамида шикоят қилиш тизими яратилган. Ўз вазифаларини лозим даражада бажара олмаётган ходимлар рейтингни шакллантирилиб, уларнинг малакасини ошириш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Шунингдек, маърузачи томонидан юридик таълим бериладиган муассасаларда кириш имтиҳонлари онлайн кузатув остида амалга оширилаётгани, бу малакали юридик кадрларни, чинакам соҳа билимдонларини тайёрлашда қанчалик муҳимлиги таъкидланди.

Вазирлик томонидан 2018 йилда "Адлия ҳисобот беради" риволаси нашр этилди. Унда йил давомида амалга оширилган ишлар кўрсатилган. Вазир ўринбосари бу амалиёт энди ҳар йили жорий этилиши кўзда тутилгани ҳақида сўзлади. Унинг айтишича, бундай йўл орқали ходимлар халқ олдида ҳисоб бериш масъулиятини ҳис қилган ҳолда ўз вазифасига ёндашади.

**ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТНИ ТАРКАТИШДА БЕЛАРУСНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАЖРИБАСИ: ЁШ ВА ЧАҚҚОН ИШЧИ КУЧИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Кейинги навбатда модератор сўзини Беларусь Республикасидан ташриф буюрган меҳмонга берди. Беларусь Республикаси Ҳуқуқий ахборот миллий маркази директори биринчи ўринбосари Денис Скобялко "Ҳуқуқий ахборот: Ахборот оламида ривожланиш йўллари" мавзусида маъруза қилди. Денис Скобялко, аввало, эътиборни ҳуқуқий ахборотни қай қолтада, қандай усулда етказиш масаласига қаратди. Яъни, айтилик, битта вергул туйғайли ахборот қандай даражада бутунлай тесқари томонга ўзгариб кетиши мумкинлиги, бу каби ҳолатларнинг олдини олиш, ахборотни тўғри ва холис етказишга масъулликни кучайтириш, бу ерда инсон шаъни, кадр-қимматини, унинг ҳуқуқларини биринчи ўринга қўйиш қанчалик муҳим эканлиги таъкидланди. Бу борада эса ҳар бир давлат қонунчилигида мустақам қоида ва асослар бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Денис Скобялко қонунчилик масалалари ва Беларуснинг ҳуқуқий ахборот етказиш тажрибасини семинар қатнашчилари билан ўртоқлашди.

Унинг айтишича, Беларусда ҳуқуқий ахборотни тарқатишда замонавий ахборот коммуникация воситаларидан

унумли фойдаланилади. "Бироқ бундан олдин аҳолини қандай муҳим технологиялар борлиги, унинг афзалликлари билан таништиришимиз керак, бўлмаса оддий халқ қайси интернет портали ёки телеграм боти орқали, айтилик, ҳуқуқий ахборотни қулай тарзда олиш мумкинлигини қаердан билади", дейди Скобялко.

Маърузачининг таъкидлашича, Беларусь ҳуқуқий ахборотни тарқатиш тизимида тезкорлик ва рақамлаштириш усули биринчи ўринда туради. Яъни, қонунчилик, қонун ижодкорлиги ва аҳолини ҳуқуқий ахборотдан хабардор қилиш ҳам замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда рақамлаштирилган тизимда олиб борилади. Беларусь Ҳуқуқий ахборот миллий марказида барча ҳуқуқий маълумотлар, қонунчилик янгиликлари, ҳўкумат қарорлари жамланиб, таҳлил қилинади. Ва шундан кейингина кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади.

Беларусь вакилининг таъкидлашича, бу илмий марказ ҳисобланади ва бу ерда мамлакатдаги барча ҳуқуқий соҳадаги энг муҳим ва асосий маълумотлар шу ерда "маълумотлар банки"да жамланади. Семинар иштирокчиларида қизиқиш уйғотган бир жиҳат, ушбу илмий марказда Беларусдаги юридик таълим муассасалари талабаларининг ишлаши бўлди. Талабалар тўпланган ҳуқуқий маълумотларни аҳолига етказишда миллий марказ учун катта ёрдамчи куч ҳисобланар экан. Талабаларни амалий жараёнлар орқали касбга тайёрлаш ва уларни касби нуктадан назардан кейинчалик ҳамшира мулоқотда бўладиган халқ вакиллари билан яқинлаштириш, шу билан бирга ҳуқуқий ахборотни тарқатишда ёш ва чаққон ишчи кучидан фойдаланишга қаратилган Беларус давлатининг бу принципти эътиборга лойиқ, албатта. Марказ вакили ўз мамлакатидagi ҳуқуқий ахборотни тарқатиш усулларини ҳақида гапирар экан, бу борада Беларусда ID трансформация усули кенг қўлланилиши, рақамлаштирилган тизимдан самарали фойдаланилишини таъкидлади.

**ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКИ БЎЛИШИ ЗАРУР**

Сессия давомида модератор сўзини Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича молия бошқаруш сектори раҳбари Арман Ватянга берди. "Давлат органилари фаолиятининг очиклиги: Энг яхши тажриба ва давлатлар учун тавсиялар" мавзусида маъруза қилган эксперт давлат органилари фаолиятининг очиклиги ва ҳўкуматнинг шаффофлиги атамаси XXI асрда давлатларни ҳаракатлантирувчи асосий куч эканлигини таъкидлади. Унинг фикрича, қарорлар қабул қилиш жараёнида имкон қадар кўпроқ фуқаролар иштирокини таъминлаш зарур. Шундагина қабул қилинган қарорлар ҳам ҳўкуматнинг фаолияти ҳам шаффоф бўлади. Айна шаффофлик таъминланмас экан, жамиятда коррупция иллати авж олиб бораверади. Эксперт мамлакатлар учун тавсия сифатида яна шуни ҳам айтиб ўт-

# ҲУКУМАТНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛ ЭТИЛДИ

## СЕССИЯЛАРИДАН БИРИ

дики, мунтазам равишда ҳукумат билан фуқаролар ўртасида мулоқотни ташкил қилиш ва омма орасида мавжуд бўлган манбалардан оқилона фойдаланиш керак. Йиғилганларда, албатта, ушбу фикр ижобий хулоса пайдо қилди. Сабаби, муҳим қарорлар қабул қилишда халқ фикрига таяниш ҳукуматнинг аҳолидан нечоғлиқ узоқлашмаганини билдиради.

Экспертнинг фикрича, давлат бюджетини шакллантириш жараёнларида фуқароларнинг фаол иштироки бўлиши зарур. Оддий халқ вакиллари давлатнинг қайси маблага қаерга сарфланаётганлиги, мамлакат қандай ижтимоий лойиҳаларни амалга ошираяпти-ю, қай бирига қанчадан маблағ ажратилганининг ҳолис гувоҳи бўлмоғи керак. Шундагина ҳукумат ишининг чин маънода шаффофлигига эришиш мумкин.

Жаҳон банки вакилининг охириги тавсияларига кўра, парламент давлат органлари ва фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда назорат ўрнатиши керак. Яъни, функционал жиҳатдан бир-бирига ҳисобдор бўлган давлат органларининг ҳисоботида шаффофлик бўлиши учун аҳоли маълум маънода бундан хабардор бўлиши керак. Ва бу борада парламент ҳам халқ ҳам давлат органи манфаатини ҳисобга олиши лозим.

### ИСТАНБУЛ ТАДБИРЛАР РЕЖАСИГА КўРА ЎЗБЕКИСТОН ҚАЙ ҲОЛАТДА? ЭКСПЕРТ ФИКРИЧА МАМЛАКАТИМИЗ ҚОНУНЧИЛИГИДА МАЪМУРИЙ ВА ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ҚАЙТАДАН КўРИБ ЧИҚИЛИШИ КЕРАК

Сессияда навбат Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти консултанти Мурод Хусановга келди. "Давлат секторида маъмурий тартиб-таомиллар, ҳисобдорлик ва шаффофлик" мавзусида маъруза қилган эксперт Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Истанбул Тадбирлар режаси доирасида Ўзбекистон Республикасининг тўртинчи мониторингда эришган натижалари бўйича тавсияларини баён қилди.

Дастлаб Мурод Хусанов коррупцияга қарши курашишни мақсад қилган Истанбул Тадбирлар режаси ҳақида қисқача тўхталиб ўтди. 1998 йилда ташкил этилган ушбу дастур Европа ҳамда Марказий Осиё давлатларига коррупция билан курашишда ёрдам кўрсатиш масалаларини кўзда тутди. Ўзбекистон 2010 йилда Истанбул Тадбирлар режасига аъзо бўлган ва 2012 йилда биринчи ва иккинчи раундлар бўйича мониторинг ҳисоботларини тақдим этган. Шунингдек, мамла-

катимиз 2015 йилда учинчи раунд бўйича ҳисоботларни берган ва экспертнинг маълум қилишича, 2018 йилда тўртинчи раунд бошланган. Истанбул Тадбирлар режасининг 2019 йил март ойида бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Бош вазири қатнашиб, тегишли ҳисоботларни берган. Эксперт Мурод Хусанов Ўзбекистоннинг ана шу тўртинчи мониторинг натижалари ҳақида маълумот берди ҳамда бу бўйича мамлакатимиз учун берилган тавсиялар билан йиғилганларни таништирди.

Маълум бўлишича, тўртинчи мониторингда асосий эътибор солиқ ислохотларига, коррупцияни олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилинганлигига ҳамда фуқаролар ва ҳукумат ўртасидаги очиқ ва ҳолис муносабатларнинг мавжудлигига қаратилган.

Мамлакатимизда 2017 йилда бошланган маъмурий тартиб-таомиллар борасидаги ўзгаришларни эътироф этиш мумкин ва экспертнинг фикрича, Ўзбекистон бу борада Истанбул режасига мувофиқ тегишли тавсияларга тўлиқ амал қилган, мониторинг хулосаларига кўра эса давлатимиз ушбу маъмурий тартиб-таомиллар борасидаги ўзгаришларни бутун мамлакат ҳудуди миқёсида барча давлат органлари амалиётида кўллаши зарур.

Сессия якунида бюджет жараёнларининг шаффофлиги борасида маъруза қилган "Норма" МЧЖ директори Михаил Перпер бюджет тақсимотининг очиқлиги масаласида бизда ҳанузгача муаммолар борлиги ҳақида гапирди. Давлат маблагларининг қаерга қай мақсадда сарфланаётганлиги фуқаролар учун маълум бўлса, бу ҳукуматнинг шаффофлиги борасидаги энг муҳим жиҳат бўлади, деди. Бу борада эса қилиниши керак бўлган ишлар ва муҳим тавсияларга тўхталиб ўтди.

### ЎЗБЕКИСТОН НАТИЖАЛАРИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНГАН

Бир қанча танқидий фикрлардан сўн модератор мамлакатимизнинг бир қанча соҳаларда эришган ютуқларини эътироф этди. Мониторинг гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг эришган натижалари юқори баҳолангани, масалан, Истанбул режасининг тўртинчи босқичига кўра, бошқа давлатлар эришган натижаларга нисбатан, хусусан, Манголия давлатига нисбатан Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари анча юқори эканлиги ва бу юртимиз ҳақида дунё ҳамжамиятида ижобий хулоса пайдо қилганлиги қайд этилди.

Мадҳия АБАЗОВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири

## ФОРУМ БОРАСИДА:



Пилипенко Юрий СЕРГЕЕВИЧ,  
Россия Федерацияси  
Адвокатлар палатаси  
Президенти:

— Тошкентда жуда катта ислохотлар юз бераётгани ҳақида кўп бор эшитганим ва айтишга лойиқ. Мен ана шу форумда қатнашаётганлигимдан жуда мамнунман. Аввало, Ўзбекистонда юз бераётган кўсик ислохотлар, ўзгаришлар, жумладан, ҳуқуқ соҳасида ҳам дунё майдонида янги саҳифа очаяпти. Форум кун тартиби билан танишиб шунга амин бўлдимки, Ўзбекистонда ҳуқуқий-ижтимоий соҳада аҳолини манфаатини ҳимоя қилган ҳолда бепул юридик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилиши ҳам кўзда тутилмоқда. Мен Россия Адвокатлар палатаси вакили сифатида юридик хизмат кўрсатиш юзасидан тажриба алмашиш ниятидаман. Форумдан ўзим учун жуда кўп маълумот оламан ва иш жараёнида татбиқ қиламан. Шунинг ҳам айтиш лозимки, уч йил олдин Санкт-Петербургда МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонлик ҳамкасблар билан адвокатлар ҳамкорлигига оид ҳужжатлар имзоланган. Айтиш пайта юксак миқёсда ташкил этилган форум иштирокчиларига омад тилаяман!



Маҳмуд ИСТАМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирининг биринчи  
ўринбосари:

— Тошкентда биринчи марта ўтказилаётган халқаро юридик форум "Тошкент ҳуқуқ баҳори" халқаро ҳуқуқ оламида жуда катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчилар сони миздан ошди. Хорижий давлатлардан қатнашаётган резидентларнинг сони эса 250 нафардан зиёд. Шулардан 244 нафари хориждаги юридик фирмалар раҳбарларидир. Шунингдек, йирик тадбирда ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар бўйича таниқли экспертлар қатнашишди. 40 дан ортик давлатдан вакиллар бор. Форумнинг биринчи кунини "Халқаро арбитраж ва суд иши", "Халқаро рейтинглар", "Инвестициялар: замонавий чакриқлар ва имкониятлар" Давлат — хусусий шерикчилик ташкил этиш ва ривожлантиришнинг глобал тажрибаси", "Давлат режалаштируви ва маъмурий ислохот" ҳамда "Суд экспертизаси" каби мавзуларда муҳокама сессиялари ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Айтиш пайта давлат ва жамиятнинг жадал ўзгариш даврида ҳуқуқ қандай бўлиши керак, деган савол атрофида ўзаро фикр алмашилди. 17 та мунозара ва сессияларда ана шу саволлар кун тартибига кўтарилди. Музокаралар даврида урта: ҳуқуқ соҳасидаги асосий йўналишда давлат бошқаруви, ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш ва инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш каби мавзуларда мунозаралар уюштирилди. Халқаро форумда АҚШ, Буюк Британия, Корея, Сингапур, Россия, Озарбайжон, Шри-Ланка, Саудия Арабистони, Белорусь Адлия вазирлари ҳамда вакиллар иштирок этишди.

"Инсон ва қонун" мухбири  
Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.



## ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ

ФОРУМ доирасида "Энг яхши корпоратив хизмат", "Энг яхши адвокат", "Энг яхши адвокатлик тузилмаси" йўналишлари бўйича номинациялар эълон қилинган эди. Форумнинг биринчи ва иккинчи кунлари таниқли анимациялари ташкил қилинди. Унга кўра:

- 1-ўрин — Lukoil Uzbekistan Operating Со юридик хизматига;
  - 2-ўрин — "Ўзсаноатқурилишбанк" юридик хизматига;
  - 3-ўрин — Самарқанд автомобиль заводи юридик хизматига насиб этди.
- "Энг яхши адвокат" номига эса "Процессуал кафолат" адвокатлик бюроси адвокати Сафар Каттабоев муносиб кўрилди.
- "Энг яхши адвокатлик тузилмаси" номинацияси бўйича голибликка Абдували Норбоев бошқарувидаги "Севинч" адвокатлик ҳайъати сазовор бўлди.
- "Tashkent Law Spring" халқаро юридик форумида муносиб эътирофга сазовор бўлган ҳуқуқшунос ва адвокатларимизни самимий кутлаймиз!

Таҳририят



# ХАЛҚАРО ЮРИДИК ФОРУМ

# ҚОНУНЛАР ТАКОМИЛЛАШИБ,



**Алексей ЧИЧКАНОВ,**  
Россия "Газпромбанк"нинг  
биринчи вице-президенти:

## ЎЗИГА ХОС ТАРТИБ-ТАМОЙИЛЛАР

— Ҳар бир давлатда ўзига хос қонун тартиблари мавжуд. Россия қонунчилигида 20 йилдан буён давлат-хусусий шериклигига доир ҳуқуқий ҳаракатлар амалга оширилиб келинмоқда. Масалан, 2005 йилда консессия шартномаси бўйича Федерал қонун қабул қилиш, 2007 йил минимал кафолатланган даромад бўйича Федерал қонун қабул қилиш, 2012 йил Конституциявий суд тўғрисидаги Федерал қонунга киритилган ўзгартришлар: грант берувчининг йиғими, 2015 йилда Давлат-хусусий шериклик бўйича Федерал қонуннинг қабул қилиниши, 2016 йил Конституциявий суд тўғрисидаги Федерал қонунга тузатиш киритиш ва ҳоказолар. Шулар жумласидандир.

Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларда давлат-хусусий шерикликнинг турли моделари энергетика, транспорт ва ижтимоий инфраструктура соҳасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда маълум тажриба тўпланди. Давлат-хусусий шериклик механизмларини қўллашга кўмаклашиш мақсадида Россия

ва Қозоғистонда махсус ДХШ маркалари ташкил этилган. Шунингдек, МДХ мамлакатларида транспорт инфраструктураси ва автомобиль йўллари соҳасида давлат-хусусий шериклик механизминини қўлланилишининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, йўлларда тирбандлик ва теъзорарли ҳал этиш ва теъзорар йўлларни ишга тушириш мақсадида пуллик автомагистраллар қурилишига йирик хусусий инвесторлар жалб этиш тажрибаси синовдан ўтказилмоқда. Бундай лойиҳаларни амалга оширишнинг муҳим жиҳати бу пуллик автойўллар мавжуд автомагистраль йўлларини тўлдирувчи вазифасини бажаради, яъни транспорт воситалари ҳайдовчилари икки муқобил йўлдан бирини танлаш имкониятига эгадирлар. Иккинчидан, хусусий инвесторлар йўл қурилишига ўз маблағларини тикиши ва узоқ муддатли манфаатдорлик ҳисобига йўллар қурилиши ва эксплуатацияси жараёнида энг юқори сифат ва техник талабларни жорий этилишига ҳамда молиявий интизомни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



**Тибо МОРГЕ,**  
"Independent Infrastructure and Impact Investing Group" бошқарувчи партнэри (Франция):

## БУ ҚОНУН ҚИРОЛЛИК ДАВРИДА ҲАМ БЎЛГАН

— Францияда "Шерикчилик шартномаси — маъмурий шартнома бўлиб, унга кўра давлат ёки давлат ташкилоти учинчи томонга фақат улуш қўйиш билан қатнашишдан мустасно бўлган, инвестициялар амортизация меъёрларида белгиланган, келишилган молиявий шартларда давлат хизматларини тақдим қилиш учун зарур бўлган қурилиш, қайта қуриш, сақлаш, фойдаланиш, моддий ва номоддий активларни бошқариш билан боғлиқ, тўлиқ ёки қисман молиялаштиришга асосланган мажбуриятларни юклайдиган шартномадир", деб қабул қилинган.

Ушбу узоқ тарихга асосланган давлат-хусусий шериклик бизнинг давлатимизда XVI асрда ҳам бўлган. Масалан,

1666 йил Канал Ду Миди имтиёзлари (қирол томонидан шаҳардаги каналларни яхшилаш), XIX асрда кенг тарқалган имтиёзлар, 1993 йил "Sapin" давлат хизмати тўғрисидаги қонун, 2004 йил темир йўллар, газ, электр энергияси ва бошқалар делегацияси (маҳаллий ҳуқуматлар) ўртасида шериклик тўғрисидаги битим, 2008 йил шартномага ўзгартриш ва кўшимчалар киритилган. 2016 йил давлат ҳаридлари бўйича буйруқлар (Европа Иттифоқининг ихтиёрий ижроси) шулар жумласидан. Бугунги кунда ҳар бир давлатда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллашиб, тажрибалари кенгайиб бормоқда.

## ЮРИДИК БОЗОР ТАМОЙИЛЛАРИ ФАОЛИЯТГА ТАЪСИР ЭТАДИ(МИ)?

Жорий йилнинг 25-26 апрель кунлари Тошкентда илк бор ўтказилаётган халқаро миқёсдаги юридик форум доирасида давлат идоралари, халқаро ташкилотлар, Ўзбекистоннинг ва дунёнинг етакчи юридик ҳамда консалтинг фирмалари вакиллари, адвокатлар, юриспруденция ва халқаро алоқалар соҳасидаги таниқли олимлар, ОАВдан вакиллар, мутахассислар ва экспертлар ҳуқуқ соҳасидаги энг сўнгги тенденцияларни муҳокама қилиш, замонавий юридик фан ва амалиётнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Жумладан, 2019 йил 26 апрель куни форум доирасида "Юридик хизматлар" мавзuida семинар ўтказилди. Мазкур семинарда "Ёпиқ ва очиқ юридик хизматлар бозори: қай бирини танлаш керак?", "Про боно ва давлат томонидан молиялаштириладиган юридик ёрдам: мувозанатни таъминлаш", "Россияда адвокатлик тузилмаларининг турлари", "Бизнес ривожда юридик хизматнинг таъсири:

адвокатларнинг аҳамияти" ва ҳоказо мавзуларда фикр-мулоҳазалар юритилди. Адвокатлар палатаси ҳамда халқаро ташкилотлар, хорижий мамлакатлар адвокатура институтлари билан ўзаро ҳамкорлиқни йўлга қўйиш мақсадида Хитой, Туркия, Россия, Беларусь, Озарбайжон ҳамдўстлик мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари ва келишувлари имзоланди.

Мазкур Меморандумларда адвокатларни ривожлантириш, қонунчиликни тартибга солиш соҳасида адвокатлар ролини кучайтириш, аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ҳамда адвокатура соҳасида тажриба алмашиш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий тавсиялар ва ахборот алмашишуви, ўзаро манфаатли бўлган бошқа йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича келишиб олинди. Биз эса фурсатдан фойдаланиб, форум иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

МАМЛАКАТИМИЗ тарихида илк бор ўтказилган "Tashent Law Spring" халқаро юридик форуми дастурига кўра, Халқаро бизнес маркази (IBC) "Коканд" конференциялар залида "Давлат-хусусий шериклик: ташкил этиш ва ривожлантиришнинг глобал тажрибаси" мавзuida хорижий мутахассислар иштирокида муҳокама сессияси бўлиб ўтди. Ушбу сессияда Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлиги директори Фолиб Холжигитов, Инфраструктура, консессия ва ДХШ (ETIC-PPP) бўйича гуруҳ директорлар кенгаши раиси, Европа Қурилиш тармоқлари Федерацияси (FIEC) "Консессиялар иқтисодиёти ДХШ" ишчи гуруҳи директори Винсан Пирон (Франция), "Газпромбанк"нинг биринчи вице-президенти Алексей Чичканов (Россия), "Independent Infrastructure and Impact Investing Group" бошқарувчи партнэри Тибо Морге (Франция), "Қозоғистон давлат-хусусий шериклик маркази" АЖ фронт-офиси вице-президенти Айдос Кобетов (Қозоғистон), "Dentons" Халқаро юридик фирмасининг ДХШ бўйича Россия амалиёти раҳбари Владимир Килинкар (Россия), "Иванян и Партнёры" Адвокатлик бюроси маслаҳатчиси Павел Кутовой (Россия) иштирок этди.

Сессияда "ДХШ (давлат-хусусий шериклик) халқаро тажрибаси: қандай қилиб муваффақиятсизликлардан қочиш ва иштирокчилар манфаатини таъминлаш мумкин?", "Россияда ДХШга 10 йил, қонунчиликни тақомиллаштириш тенденциялари, ютуқ ва камчиликлар. Молиялаштирувчи ташкилотлар нуктаи назари", "ДХШ соҳасида Франция тажрибаси ва уни Ўзбекистонда қўллаш: мазкур тажрибадан Ўзбекистон учун қандай фойда олиш мумкин?", "Қозоғистонда ДХШ: шаклланиш босқичлари ва муваффақиятли лойиҳалар", "ДХШ соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро стандартларини тақомиллаштириш ва уларни ДХШ тўғрисидаги Ўзбекистоннинг янги қонунчилигида қўллаш", "Европа, Осиё, Буюк Британияда ДХШ ривожланишининг глобал тенденциялари" каби долзарб мавзулар муҳокама қилинди. Ташкил этилган ушбу тадбирда иштирок этган мамлакатлар мутахассислари ўз давлати қонунчилиги борасида сўз юритар экан, давлат-хусусий шерикликнинг илк пайдо бўлиш тарихи ва бугунги кун ривожига хусусида маълумотлар берди ҳамда узоқ ҳамкорлик тажрибалар алмашилди.



**Фолиб ХОЛЖИГИТОВ,**  
Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликини ривожлантириш агентлиги директори:

## ҲУҚУҚИЙ БАЗА ЯРАТИЛМОҚДА

— Ўзбекистоннинг "2017-2021 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси"нинг 3.4-бандининг охири хатбошида устувор вазифалардан бири сифатида давлат-хусусий шериклигини кенгайтириш, деб алоҳида келтириб ўтилган. Айнан ДХШ бўйича қонун ишлаб чиқиш жараёнида бўлиб, бевосита меъёрий-ҳуқуқий асослари шакллантирилаётган мазкур ҳамкорликни турли шаклларда ривожлантириш учун ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратиш, минтақаларда ДХШнинг турли-туман шакллари рағбатлантириш, мамлакат ва минтақаларни стратегик ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган дастурларга мувофиқ ДХШни қўллаш соҳасини кенгайтириш, ДХШ лойиҳалари бозорини ривожлантиришни таъминлаш, маҳаллий ва хорижий хусусий инвесторларнинг тақлифларини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг "ўсиш нуктаси"ни қўллаб-қувватлаш, лойиҳаларни амалга оширишга ўзга субъектларнинг фойдаланилаётган ресурсларини жалб этиш орқали ДХШ фаолиятини янада ривожлантириш имконини беради. Айнан шунинг учун ҳам бугунги кунда ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий-услубий жиҳатларини тадқиқ этиш, ДХШ асосида корпоратив тузилмаларни янада ривожлантириш бўйича турли механизмларни амалиётга жорий қилиш масалалари илмий асосларини ишлаб чиқиш иқтисодиёт илми олдига турган республикамизнинг инновацион ривожланиш йўлига ўтишидаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мумкин бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Шу ўринда айтиш лозимки, давлат-хусусий шерикликнинг тўғри йўналишда кетиши бир қатор омилларга боғлиқ. Биринчидан, ҳуқуқий база яратилиши керак. Шу боис, ҳозирда алоҳида қонун лойиҳаси ишлаб чиқилаётган бўлиб, унда ўзаро шартнома асосида йўлга қўйиладиган давлат-хусусий шериклик томонларининг вазифа ва мажбуриятлари, бундай ҳамкорлик қандай бошланиши, инвесторларга қулайлик яратиш мақсадида тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни акс эттиришга эътибор берилмоқда. Иккинчидан, шерикликда институционал муҳитнинг ўзига хос ўрни бор. Айни шу борада махсус агентлик тузилиб, унинг зиммасига бир қатор вазифалар юклатилди. Масалан, у давлатнинг айрим муаммоларини ҳал этиш учун вазиятни таҳлил этиш ҳамда ушбу муаммони иқтисодий асослаш учун таҳлил услубиетини яратишда ёрдам беради. Агентлик функцияларидан яна бири давлат идораси билан хусусий сектор ходимларида шериклик тушунчасини шакллантириш, уларнинг билими ва малакасини оширишга кўмаклашишдан иборат. Давлат-хусусий шериклик механизми бўйича халқаро сертификатга эга мутахассисларни тайёрлаш, назарий жиҳатдан билим беришдан ташқари, шериклик муносабатларини алоҳида тармоқ ва соҳаларда йўлга қўйишнинг ўзига хос жиҳатларига бағишланган тадбирлар орқали тегишли идоралар ходимларига амалиёт, яъни ҳаётга татбиқ қилинган лойиҳалар, ижобий ва салбий тажрибалар билан танишиш имконияти берилмоқда.

# ТАЖРИБАЛАР КЕНГАЙМОҚДА



**Юрий ПИЛИПЕНКО,**  
Россия Федерацияси Адвокатлар палатаси  
Президенти:

## ОДАМ ВА РОБОТ ЎРТАСИДАГИ РАҚОБАТ ХАВФЛИ(МИ)?

— Россия юристлари ўтган йиллар давомида ўтиш жараёнини босиб ўтди. Бу вақт ичида улар ўртасида рақобат ҳам адвокатлар олиши керак бўлган гонорар ҳам четда қолмади. Табиийки, юридик хизмат соҳасида рақобат пайдо бўлди. Мана 20 йилдан охиқ вақт ўтган бўлса, Россияда эркин бозор ривожланган. Мамлакатимиз юридик хизматлар фаолияти дунёнинг ривожланган компаниялари билан тенг рақобатга эга. Россиянинг энг бой корпорациялари юридик хизматларини катта қисмини хорижий компанияларига буюртма қилган. Бу ҳолдан, албатта, адвокатлар норози эканлигидан, бу масала Россияда бир неча бор муҳокама қилинди. Ҳатто, Россия Адлия вазирлиги юридик бозор концепциясини назорат қилишнинг ишлаб чиқишига ҳаракат қилиб кўрди. Яъни, улар хорижий юридик компанияларини Россия юридик компаниялари билан бир ўринга қўйишга уринади. Лекин мана шу концепция ҳалигача рўйбга чиқмаган. Мен бу борада бошқа мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилмоқчиман. Масалан, Хитой АҚШ билан бир қаторда глобал иқтисодийда тенглашяпти. Хитой юридик бозори расмий равишда тақиқланган. Лекин шу вақтни ўзида биланмики, кўплаб юридик дунё брэндлари Хитойда амалиёт олиб борапти. Улар мана шу бозорни расмий ёпилишига қарамасдан, имконият топиши. Хорижий компаниялар билан ишлаш фойдасиз эмаслигини исботлаб беришди. Мен бу фикрим билан юридик бозорни тўлиқ очиб ёки ёпиқ бўлишини олға сурмайман. Лекин Хитой халқини донолигига мурожаат қилиб шуни айтиб ўтмоқчиман. "Ҳеч нарса жуда ҳам яхши ёки жуда ҳам ёмон бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарса имкониятга, шароитга боғлиқ". Шуни айтмоқчиманки, Америка ёки Хитой бўлмаган ҳамма мамлакатлар ўзи-

ни аниқ мақсадини танлаши лозим.

Шу ўринда айтиш керакки, ички юридик бозор нафақат адвокатлар учун очиб бўлиши, яъни ким нимани хоҳласа судда ишончнома асосида фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин эмас. Чунки бу юридик бозорда хорижий компанияларни иштирок этишдан ҳам ёмонроқ.

Яна бир гап. Ҳозир фаолиятда бошқа бир нарса пайдо бўляпти. Бу одам ва робот ўртасида назорат бўлиши масаласидир. Бу эртак эмас! Масалан, Европада кўплаб юридик жараён, дейлик оилани, эр-хотинни ажралиш масалалари учун юрист бўлиш шарт эмас. Интернетда бир неча дарчаларни тўлдириб, турмуш ажрини ҳақида ҳужжат олиш имконияти мавжуд. Аҳолини ишлайдиган жуда кўп корпорацияларида яқин келажакда кўплаб юристлар сони камаяди. Яъни, асосан шартнома, ипотека шартномаларини тўлдирадиган юристлар сони қисқаради. Шунинг учун ўз нутқимда шу масалани пухта ўйлашга, эътиборсиз қолдирмасликка, муҳокама қилишга тақлиф қилардим. Биз фақат хорижий ва маҳаллий корпорация ўртасида бўлиш ҳақида эмас, балки биз яқин келажакда бозорни қандай қилиб роботлар билан бўламиз, шу ҳақида ўйлашимиз керакка ўхшайди. Чунки шундай ички туйғу борки, бозорни роботларга ўтказсақ, ерда жаннат пайдо бўлади, деб ўйлаймиз. Лекин бунда инсоният ҳаракатини йўқ бўлиши хавфи туғилади. Қадимги Рим йўқ бўлиб кетгандек. Ўша вақтда қадимги эркин фуқаролар ҳеч нарса қилмаган. Ҳамма ишларни қўллар бажарган. Биз ҳали юридик ишларни ўзимиз эмас, роботларга топшириб қўйганимиздан кейин нима билан шугилланишни, банд бўлишни билмай қоламиз. Аслида шуларни ҳам муҳокама қилиш зарур.



**Виктор ЧАЙЧИТС,**  
Беларусь Республикаси Адвокатлар  
ҳайъати раиси, Беларусь Республикаси  
Миллий кенгаши сенатори:

## АДВОКАТЛАР ФАҚАТ ЯХШИ ГОНОРАРГА ИШЛАЙДИ(МИ)?

— Беларусь адвокатлари жуда талабчан бўлади. Агар мен ўзимни адвокатлик фаолиятим ҳақида сўз юритадиган бўлсам, жуда кўплаб миқозлар билан мулоқотда бўлганман. Жумладан, хорижий одамлар билан ҳам. Улар турли мамлакатлардан юридик ёрдамга муҳтож бўлиб келган. Албатта, уларга энг юқори даражада юридик хизмат кўрсатилади. Шу ўринда айтиш лозимки, кўпчилик одамлар адвокатларнинг кўрсатаётган юридик ёрдамига нисбатан норозилик билдиришади. Бу ҳам ҳақли эътироз. Чунки баъзи адвокатлар фақат яхши гонорарга ишлайди. Лекин улар ўзларининг энг асосий вазифаси ва бурчи одамларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, деб билиши лозим. Шунда бу касбни салоҳияти ва нуфузини сақлаб қолади. Қолаверса, адвокатлар аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатишдан ташқари, ҳуқуқий саводхонлиқни тарғиботчиси ҳам бўлиши керак. Улар фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб, жамяят қонунларини тушунтириб борсалар, ўз-ўзидан мавқеи ҳам го-

норари ҳам юқори бўлади.

Бироқ айрим иқтисодий судларда иштирок этаётган адвокатлар миқозига ҳуқуқий хизмат кўрсатишда турли ноаниқ, сохта ҳужжатлар тайёрлашга кўмаклашади. Бу Беларусда деярли кузатилмаган. Бироқ бошқа давлатларда бор. Бундай ҳол ҳали етарли малакага эга бўлмаган адвокатлар томонидан амалга оширилиб, сифатсиз ҳуқуқий хизмат кўрсатиш натижасида ҳамкасбларимиз номига доғ туширишга сабаб бўлади. Бундан ташқари, одамлар адвокатларга мурожаат қилгандан кўра, бошқа ташкилотлардан ёрдам кутишни афзал кўришади. Бунга йўл қўймаслик керак. Бу адвокатлик соҳасига путур етказилади. Шунинг учун юридик бозорни, яъни бизнесни назорат қилиш зарур. Бундан мақсад, адвокатни назорат қилиб жавобгарликка тортиш эмас, шу билан бирга, адвокат бизнесини ривожлантириш ҳам. Юристлар қонун устуворлигини тўғри таъминланишига хизмат қилсин.



**Кирон ГОР,**  
Америка юристлари ассоциацияси аъзоси,  
Ж.Вашингтон номидаги университет  
профессори (АҚШ):

## ҲУҚУҚШУНОС ВА МИЖОЗ. УЛАР ЎРТАСИДА ОЧИҚЛИК ВА ҲАМКОРЛИК БЎЛИШИ КЕРАК

— Америка юриспруденциясида ҳамма ўз имтиёзига эга. Улар ўз миқозини билан очиқликда алоқада бўлади. Америка қонунчилиги тизимига кўра, очиқлик таъминланган, маҳаллий даражада сиз ҳам бунини қиласизлар. Европада бизнес юристлари маълум бир имтиёзлардан чекланган бўлади. Чунки улар бирон ташкилотни юристи сифатида фаолият юритиб, ўша ташкилот манфаати учун хизмат қилади. Шу ўринда айтиш лозимки, дунё бўйлаб ўзаро бир-бирига ўхшаш ҳолатлар мавжуд. Дейлик, мени миқозимни манфаатларини, яъни хорижий миқозларимни манфаатларини ўрнатилган миллий қонунлар қай тарзда ҳимоялай олади? Шунинг учун бизда юристлар этикаси мавжуд. Аввало, Америкада мажбурий этика, деган тушунча бор. Агар биз уни бузсак, маълум бир қоралар кўрилади. Қолаверса, маслаҳат бериш стандартлари мавжуд. Агар сиз миллий даражада ишлайдиган бўлсангиз, лекин хорижий миқоз манфаатини ҳимоя қилсангиз, қандай ишлайсиз? Бунда, албатта, ёндашув ва ҳамкор-

лик зарур. Негаки, турмуш тарзимизда, маданиятимизда кескин фарқлар бор. Америка Қўшма Штатларида эмоционал миқоз, дейилади. Ана шу ҳамкорлик ва ёндашувларни ишлаб чиқиш ўз ичинини ривожлантиришингизда ёрдам беради. Бу орқали миқоз билан очиқлик ва ҳамкорлик юзага келади. Масалан, яқинда муслмон давлатларида Рамазон ойи бошланади. Агар мен сизнинг давлатингиздаги бу миллий байрамни ҳисобга олмасдан дам олиш ёки байрам кунини интернет алоқаси орқали хат жўнатсам ва хатимга жавоб келмаганидан хафа бўлишим керак эмас. Бу ҳақида олдиндан хабардор бўлиб, яъни ўша давлат миллий қонун-қоидаларини, маданиятини ўргансам, бу менинг салоҳиятим ва ишончимни оширади. Қолаверса, турли мамлакатларнинг маданияти ҳам, миллий қонунчилиги ҳам турлича эканлигини унутмаслик керак.

"Инсон ва қонун" муҳбири  
Гулсум ШОДИЕВА тайёрлади.



**Фред ХЮСТОН,**  
Ҳуқуқий ривожланиш халқаро ташкилоти  
(HRXT) Марказий Осиё бўйича минтақавий  
директори:

## ИШ ҲАҚИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИЛМАСА... БУ ИШДАН ВОЗ КЕЧИЛАДИ

— Бизда 25 та аъзо мамлакат бор. Биттагина гуруҳимиз мавжуд. Бизнинг асосий фаолиятимиз қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган. Маълумки, ҳар бир одам юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга, дейилади. Бунинг давлат таъминлашга масъулдир. Жамяят ҳаётида юридик хизмат давлат ва одамлар учун жуда ҳам муҳим. Одатда, юридик ёрданми кўрсатаётган юрист ўша инсон манфаатини ҳимоялашга, унга қонунларда белгиланган хизматни кўрсатишга масъул ҳисобланади. Бу хизмат жуда юқори даражада билим ва тажриба асосида бўлиши лозим. Шу ўринда, юридик хизмат кўрсатиш қарёда қандай амалга оширилаётганини қиёслаб ўтсам. Масалан, Қозоғистонда юридик хизмат кўрсатишда юридик ташкилотлар нодавлат нотижорат ташкилотлари билан келишган ҳолда амалга оширади. Бу ҳам ўзига хос жиҳат. Грузияда

эса тамомила бошқача шароит. У ерда замонавий юридик хизмат кўрсатиш таъминланади, нафақат жиноий ишларда қонуний ёрдам кўрсатилади, балки турли оилавий низоларни баҳолашда ҳам юридик хизмат беришади. Улар фаолиятда ташқаридан ҳеч қандай миқозлар бўлмади. Фақат ўша миқоз билан галлашади. Америкада юристлар давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Яъни, давлат томонидан ажратилган адвокат сифатида иш юритиб, тўлиқ ойлик-маош билан таъминланади. Германияда ҳар бир юрист, аввало, иш ҳақи тўғрисида маълумотга эга бўлмаса, ундан воз кечади. Миқоз ҳам юридик ёрдам олишда хоҳлаган юристини танлаши мумкин. Уларга 10 лира тўланади. Миқозга иш ҳақида гапириб бериши мумкин. Лекин юристлар қариндош-уруғлари, яқинларига ёрдам кўрсатиши мумкин эмас.

## МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши борасида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг асосий мақсадларидан бири аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 август куни қабул қилинди, Сенат томонидан 24 августда маъқулланиб, Президентимиз томонидан 2017 йил 11 сентябрда имзоланди ва янги тахрирда эълон қилинди.

Ушбу Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қуйидагиларда ўз аксини топди: Қонуннинг 3-моддасида ариза, таклиф, шикоят каби асосий тушунчалардан ташқари электрон мурожаат, такрорий мурожаат, аноним мурожаат, мурожаатнинг дубликати, оммавий қабул, видеоқонференцалоқа ҳамда давлат ишторихидаги ташкилот каби тушунчалар ҳам киритилди.

Белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан, ташкилотнинг расмий веб-сайтига joyлаштирилган мурожаатга электрон мурожаат деб таъриф берилган.

Қонун ҳужжатларидан маълумки, такрорий мурожаат деб айни бир мурожаатга издан келиб тушган, унинг аввалги мурожаати юзасидан ташкилот томонидан қабул қилинган қарори устидан шикоят ёки мурожаатни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда кўриб чиқилмаганидан норозилиги баён этилган мурожаатга айтади. Буни, мурожаатнинг дубликатидан фарқлаш мўҳим аҳамиятга эга. Чунки, мурожаатнинг дубликатига айни бир жисмоний ёки юридик шахс мурожаатининг кўчмас нусхаси берилади. Яъни, мурожаат муаллифи тегишли ташкилотдан жавоб олмай туриб, унинг қарорини билмай туриб, ўша мурожаатни кўчмас нусхасини такроран тақдим этиши тушунилади.

### МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШДА ҚОНУНИЙЛИК МЎҲИМ

Бундан ташқари, мурожаатларни кўриб чиқишда қонунийлик, мурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш; мурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, мурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги, мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шафқатлиги Қонуннинг асосий принциплари сифатида 4-моддада белгилаб берилди.

Шунингдек, Қонунга киритилган яна бир мўҳим янгилик халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхоналарнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Президентнинг Виртуал қабулхонаси томонидан мурожаатларга доир масалалар бўйича реал вақт режимида маслаҳатлар берилиши, давлат органларининг, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг виртуал қабулхоналарини ташкил этиш тартиблари 2-бобда аниқ белгилаб берилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизимини таъминлаш, мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш, келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, ҳолисона ва ўз вақтида кўриб чиқишини ташкил этиш, келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини (шу жумладан, видеоқонференцалоқа воситасида) ўтказиш, келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш,

умумлаштириш, тизимлаштириш Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари сифатида белгиланди.

### МУРОЖААТНИ РЎЙХАТДАН ЎТҚАЗИШНИ РАД ЭТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Бундан ташқари, Қонуннинг аввалги тахририда мурожаатлар бўйича иш юритиш (9-модда) тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши кўрсатилган бўлса, амалдаги янги тахрирда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзиде, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса кейинги иш кунини рўйхатдан ўтказилиши кераклиги, мурожаатни рўйхатдан ўтказиши рад этишга йўл қўйилмаслиги, давлат органларида, ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтраи юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахсининг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахсининг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги кўрсатилиши норма сифатида аниқ белгиланди.

Озғаки мурожаатлар эса рўйхатдан ўтказилиши шарт эмас

Шу билан бирга, давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсига оммавий (сайёр) қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган озғаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмаслиги, факатгина жисмоний шахсининг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилиши назарда тутилади.

### МУРОЖААТ ЭТУВЧИНИ ТИНГЛАШ ЛОЗИМ

Қонуннинг 26-моддасида мурожаат этувчинини эшитиш ҳам назарда тутилган. Бу ўз навбатида давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчига мурожаатда кўтарилган масалалар бўйича ўз фикрини билдириш ва мурожаат бўйича қўшимча ахборот тақдим

этиш имкониятини беради. Бунда, Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчинини эшитишга экспертларни, мутахассисларни ва манфаатдор ташкилотларнинг вакилларини ҳам жалб этиши мўмкин бўлади.

Қонунга киритилган яна бир мўҳим янгилик шундаки, агар такрорий мурожаатларда янги вақлар ёки янгидан очилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожаат материалларида эса текширувларнинг тўла-тўқис материалларини мавжуд бўлса ва мурожаат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса, мурожаатчига такрорий мурожаатнинг асосизлиги ва ушбу масала юзасидан у билан ёзишмалар тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиб, кўриб чиқишни тугатиш мўмкин.

Бунда, давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси мурожаатни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

### ТАКРОРИЙ МУРОЖААТ КЕЛИБ ТУШАВЕРСА-ЧИ?

Ташкилот томонидан ёзишмалар олиб бориш тугатилган бўлса-да, мурожаат қилувчидан такрорий мурожаат келиб тушаверса, бундай мурожаатни мурожаат қилувчидан бу ҳақда хабардор қилмасдан ҳам тугатилиши мўмкинлиги белгилаб қўйилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мурожаат этувчиларнинг қонуний талаблари ҳал этилишига, ҳуқуқ ва манфаатларининг янада самарали ҳимоя қилинишига хизмат қилади.

**Баҳодир ЮСУПОВ,**  
**Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Сирғали туман судининг судьяси**

ТОШКЕНТ шаҳрида ҳуқуқбўзарлик содир этган болаларни адлия тизимидан четлаштириш ва уларга нисбатан тикловчи адлия қораларини қўллаш бўйича инновацион лойиҳа бошланди. Ушбу лойиҳада қонунга риоя қилмайдиган вояга етмаганларни махсус муассасаларга joyлаштириш билан боғлиқ салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокуратураси ва БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) билан ҳамкорликда ўтган ойда мазкур лойиҳанинг бошланганини маълум қилган эди.

Чилонзор туманида шиддат билан бошланган лойиҳа, назоратсизлик ва қаровсизлик даражасини камайтириш, шунингдек, тузатиш муассасаларида сақланадиган ёки вақтинча сақлаш марказларига joyлаштирилмаган болалар сонини қисқартиришга қаратилди.

Лойиҳа БМТнинг Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида қайд этилган, вояга етмаган шахсларга нисбатан одил судловнинг қуйидаги иккита халқаро стандартларини амалга жорий этишга қаратилган:

- 18 ёшга тўлмаган болаларни озодликдан маҳрум этиш фақат энг сўнгги чора сифатида қўлланилиши лозим;

- 18 ёшга тўлмаган болаларнинг иши мақбул ёки имкон қадар расмий жиний одил судлов тизимидан чет-

лаштирилган ҳолда кўриб чиқилиши лозим.

Шунга асосан Чилонзор туманида унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган 14-18 ёшгача болалар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган 16-18 ёшгача болалар, бундан буён Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича идоралараро комиссия қoшидаги Одил судловдан четлатиш бўлимига юборилади.

Махсус тайёргарликдан ўтган ходимлар бола ва унинг oilаси эҳтиёжларини аниқлайди, бола ҳуқуқ таъминоти ўзгартириш учун махсус индивидуал фаолият турларини ишлаб чиқади, шу орақли ҳуқуқбузарликлар такроран содир этилишини олди олинади.

Четлатиш ўз хатти-ҳаракатлари учун ҳамда жиноят учун етказилган зарарни қоплаш учун тўлиқ жавобгар бўлган вояга етмаган шахс билан шартнома тузилишини кўзда тутади. Бола шартнома шартларини бажарганига қадар, иш қўзғатилмайди ёки тўхтатиб турилади. Шартномада таълим ёки спорт тўғрарақларига қатнашиш, касбий кўникмаларни эгаллаш каби шартлар кўзда тутилиши мўмкин.

Тикловчи адлия — бу шундай ён-

дашуви, унда вояга етмаган ҳуқуқбузар ёки жабрланувчи ва жиноятда дахлдор бўлган бошқа ҳар қандай шахслар, жамият аъзолари, воситачи (фахсилатор) ёрдамида жиноят оқибага юзга келган муаммоларни ҳал этишда иштирок этади.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича идоралараро комиссия қoшидаги Одил судловдан четлатиш бўлими таркибиде Чилонзор тумани турли

Иккинчи босқич — тайёргарлик, унинг остида шу тушуниладики, ижтимоий ҳодим ва руҳдон вояга етмаган шахс учун хатарлар ва унинг эҳтиёжларини ўрганеди ва баҳолайди. Бу ҳуқуқбузар, унинг oilаси ва мактабидеги вазият ҳақидаги аниқ манзара тузишга имкон яратилади. Экспертлар жиноят содир этилишига сабаб ва шарт-шароитларни аниқлашга қўмақлашади.

Учинчи босқич — фасилитация. Одил судловдан четлатиш бўлимида экспертларнинг иккита гуруҳи ишлайди, улар ишларни жабрланувчи тарафи иштирокида ёки унинг иштирокисиз кўриб чиқади.

Тўртинчи босқич — тикловчи адлия ёндашуви қўлланиб, вояга етмаган шахс билан шартнома тузилади.

Бешинчи босқич — шартнома шартлари ижросини мониторинг қилиш. Таҳлил васийлар ёки унинг номидан иш юридадиган қўллаб-қувватлаш гуруҳи, шунингдек маҳалла ва Ёшлар иттифоқи зиммасига юкланади. Вояга етмаган шахсининг прогресси ҳақидаги ҳисобот камида бир ойда бир марта прокурорга тақдим қилинади, у шартлар бажарилмаган тақдирда ишни судга

жўнатиши мўмкин.

Бунда судда четлатиш босқичидаги барчаси айбни ўз зиммасига олиш деб тан олинмайди ва эътиборсиз қолдирилади.

Халқаро тадқиқотларга кўра, тикловчи адлия ёндашувлари бола ва жамият учун ижобий натижа келтиради. Улар боланинг қайта интеграцияси ва реабилитацияси, зарар қоплатиши учун қўмақлашади. Жаҳон тажрибасига кўра, болаларни жиноят одил судловдан четлатиш вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сонини камайтиради.

ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманнинг таъкидлашича, айрим мамлакатларда четлатиш чораси ҳаттоки суд муҳокамаси даражасида қўлланади. Яъни иш судга берилганида ҳам, боланинг айби бўлганида ҳам, бола ўзига нисбатан четлатиш чорасини қўлланишини сўраси мўмкин. Бу қоралар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар даражасини пасайтириш, бола ўз жавобгарлигини тушуниб, англаб етиши учун қўлланади. Ёшларда одил судлов тизимига нисбатан ишонч туғилиши ва қонунни ҳаттоки у билан зиддият туғилганида ҳам тўғри қабул қилиш лозим.

Агар лойиҳа муваффақиятли ўтказилса, у Тошкент шаҳрининг бошқа туманларида ва бутун мамлакатда амалга оширилади.

**Феруза МИРЎҚТАМОВА,**  
**ҳуқуқшунос**

## ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲА: ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

инстанциялари ходимлари киритилган: руҳшўнослар, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази вакиллари, ички ишлар органлари нозирлари ва ижтимоий ходимлар фаолият олиб боришади.

Вояга етмаганларга нисбатан четлатиш ва тикловчи одил судловнинг бешта босқичи ишлаб чиқилган. Булар:

Биринчи босқич — қайта йўналтириш, бу билан прокурор ва идоралараро комиссия шугулланади. Прокурорга ишни четлатишга ваколат берадиган мезонлар, — боланинг минимал ёшга кирганлиги ва айбини бўйича олишидир. Агар бола ўз айбини тан олмаса, унга нисбатан айбисизлик презумпцияси амал қилади, иш судга одил судловни амалга ошириш учун жўнатилади.

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.mjn.uz

**Бош муҳаррир**

**Кўчкор НОРҚОБИЛ**

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:**

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич  
Рабиёев Шеразд Миржаллилович  
Тожиёв Фураят Шомуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна  
Мамадалиев Зайниддин Очилович

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Ислом Ибодулло

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навой кўчаси, 30-уй

Ушбу сонда ўза суратларидан фойдаланилди.

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 000, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-35.

Факс: (0371) 233-44-23, (0371) 233-44-08.

Обуна бўлими: 233-44-09

Баҳоси келишилган нарҳда

1 2 3 4 5